



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 4 (10.057)

2004 ЙИЛ 7 ЯНВАРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сўзларда

● **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги «АстроБод» гузарига «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ташаббуси билан «ЭКОСАН» — меҳр-мурувват йўлида» мақсадли дастури ҳамда «Кўшни қўшиғи» мурувват кунлари доирасида учрашув бўлиб ўтади.

● **АКМАЛ** Икромов туманидаги «Оқтепа» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандлари учун уюштирилган хайрия тадбири Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** олий ўқув юртлири ўқитувчилари иштирокида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичи белгилаб берган вазифаларни амалга ошириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Христиан православ церковидида Рождество байрами муносабати билан тадбир ўтказилди.

● **БУГУН** Бектемир туманидаги «Фарход» кинотеатрида тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ташкил этилган «Кўча арча байрами» тадбири «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **БУГУНДАН** бошлаб Ҳамза туман ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган, ижтимоий ғимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун «Арча байрами» тадбирлари ўтказилади.

● **МЕҲР** ва мурувват йилига бағишлаб Яқкасарой туманидаги «Дамарик» маҳалласида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбирда тумандаги кам таъминланган оилалар фарзандларига совғалар тўхфа этилди.

● **ЎРТА** махсус касб-хунар таълими муассасалари информатика ўқитувчиларининг малакасини ошириш мақсадида шаҳримизда **КЕЧАДАН** «Ахборот ва коммуникация технологиялари» мавзuida семинар иш бошланди. **БУГУН** ўқитувчилар иштирокида амалий машғулотлар бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

14 январь — Ватан ҳимоячилари кўни

Ҳарбий соҳада изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар миллий армиямиз сафини профессионал кадрлар билан тўлдириш имконини бермоқда. Мамлакатимизда ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг янги тизими яратилди. Мақсад — замонавий ва қудратли армияни шакллантиришдан иборат. Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолияти ҳам ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Ушбу йўналишдаги ўқув юртлири фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида тараққий этган давлатларнинг тажрибаси ўрганилди. Сержантлар тайёрлаш мактабларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, курсантларга барча шарт-шароитни яратиш бериш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда.

АРМИЯМИЗНИНГ ТАЯНЧИ

— Мактабимиз 2001 йилда ташкил этилган эди. Бу ерда ҳарбий хизматни ўзининг касби, шарафли бурчи деб биладиган, ҳаётини миллий армиямиз сафига хизмат қилишга бағишлаган йигитлар таълим олади, — дейди Тошкент ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг бошлиғи, полковник Назиржон Саидов. — Курсантларни танлов асосида қабул қиламиз. Муддатли хизматни ўтаган ёки шартнома асосида хизмат қилаётган йигитлар олти ой давомида ўз мутахассислиги бўйича таълим олади.

— Муддатли хизматни чегара қўшинлари сафига ўтадим, — дейди паркентлик курсант Абдували Норҳужаев. — Мана, синовларни муваффақиятли топириб, курсант бўлдим. Мақсадим — ҳарбий билим ва кўникмамни орттириб, Ватанга

садоқат билан хизмат қилиш.

— Мақкур мактаб ташкил этилгандан буён шу ерда хизмат қиламан, — дейди жисмоний тарбия ва спорт бўлимининг бош йўриқчиси, кичик сержант Талгат Аҳмедов. — Бу ерда кўп нарсани ўргандим. Малака ошириш учун бир ҳафта АҚШ мудофаа вазирлигига қарашли сержантлар тайёрлаш академиясида бўлдим. У ерда америкалик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов сержантларни армиямизнинг суянчи ва таянчи, деб атаган. Бугун бу ҳарбий ўқув юртида Куролли Қўлларимизнинг таянчи бўла оладиган кадрлар тайёрлаш борасида самарали ишлар олиб борилаётгани қувонарлидир.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

«Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида тайёрланаётган йодланган ош тузлари сифати билан ички бозорда харидорини топмоқда.

СУРАТДА: корхона қадоқлаш цехи ишчиси Ўғиллой Жўраева жамоа ютуғига ҳисса қўшаётганидан мамнун.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



хавфсизлик, соғлиқни сақлаш масалаларига оид зарур тавсиялар берилди.

Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Соғлиқни сақлаш вазирлиги каби мутасадди ташкилотларнинг мутахассислари зиёратчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Германиянинг «Орол болаларига ёрдам» ташкилоти ташаббуси билан ёш мусавирлар ўртасида ёшларни она юрт табиатини асраб-авайлаб тарбиялаш мақсадида уюштирилган «Сув ва болалар» мавзuidaги танлов якунланди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қашқадарё вилоят кенгаши ташаббуси билан «Қашқадарё — юртпарварлар диёри» интеллектуал ёшлар клуби ташкил этилди.

● Янгиқўрғон туманидаги Новкент кишлоғида республика «Болалар» жамғармаси вилоят бўлимининг «Боложон» ўқув ишлаб чиқариш маркази иш бошлади.

● Жиззах туманидаги «Сардор СДП» фермер хўжалиги жамоаси Швейцариянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида махсус қурилма орқали қуёш энергиясидан ҳосил бўлган электр қувватидан фойдалана бошлади.

● Бухорода Файзулла Хўжаев тумани ички ишлар бўлимига қарашли 35-милиция таянч пунктининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Грузия марказий сайлов комиссиясининг хабар беришича, Грузия давлати президентлиги сайловларида «Миллий ҳаракат» ва «Буржанадзе демократлари» ягона партияси вакили Михаил Саакашвили умумий овоз берганларнинг 95 фоизи овозини қўлга киритган.

● Мамлакат пойтахти Қобулда Афғонистоннинг янги Конституцияси қабул қилинди. У мамлакат сиёсий истиқболни белгилайдиган асосий қонун сифатида эътироф этилмоқда. Конституцияда Президент бошқарувчи сифатида белгиланди.

● Россия Президенти Владимир Путин ўтган йилнинг декабрида Доғистонда жангарилар ғуруҳини йўқотиш бўйича операцияларда қатнашган мудофаа вазирлиги махсус бўлинмалари жангчиларига давлат мукофотларини топширди.

● Хитойда декабрь ойининг охирида касалхонага ётқизилган 32 ёшли журналистнинг гайриоддий зотилжам хасталигига чалинганлиги расман тасдиқланди.

● Филиппиннинг Паранг шаҳрида баскетбол бўйича беллашув ўтказилаётган пайтда қучли портлаш рўй берди. Натижада 11 киши ҳаётдан кўз юмди ва 68 киши оғир тан жароҳатлари олди.

МУБОРАК ҲАЖ ЗИЁРАТИ ТАРАДДУДИ

Ҳадемай бир гуруҳ ватандошларимиз муборак ҳаж зиёратини амалга ошириш учун Саудия Арабистони Подшоҳлигига йўл олади. Мамлакатимизда бу йилги мавсумда ҳам бўлгуси ҳожиларнинг ҳаж амалларини мукаммал адо этиши учун зарур шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимизда Тошкент шаҳри ва вилоятидан ҳаж зиёратига отланган ҳамюртларимиз билан Вазирлар Маҳкамаси

си ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси каби мутасадди ташкилотлар ва килларининг учрашуви бўлиб ўтди. Тадбирда йиғилганларга ҳаж зиёратининг моҳияти, қилинажак амаллар тартиби,

Транспорт**ТЕХНИКА
ИЖОДКОРЛИГИ
САМАРАСИ**

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли корхона ва саройларда техника ижодкорлигига катта аҳамият берилмоқда.

Бундай изланишлардан транспорт воситаларини туб таъмирлашда эҳтиёт қисмларни тайёрлаш йўли билан ҳам фойдаланилмоқда.

«Отайўл» автобусларининг тормоз барабанларини мустақамлашга қаратилган рационализаторлик таклифи ҳам яхши баҳоланди. Бунда «Рем-элтранс» корхонаси техника ижодкорлари билан баъсалоҳат иш юритилди.

«Ротор» кичик корхонаси билан бирга «МАЗ» моторини мустақамлаш тадбири кўрилди. Тошкент метрополитени лабораторияси таклифлари ҳам энг яхши мосламалар деб топилди.

**МЕТРОПОЛИТЕН—
ПЕШКАДАМ**

Тошкент метрополитени меҳнат жамоаси учун ўтган 2003 йил анча самарали бўлди.

Ер ости темир йўл қасрида бўлиб ўтган йиғилишда илқ гаплар айтилгани ҳам бежиз эмас. Қиш кунларида электр поездларининг бир маромда ишлашини таъминлаш, бекатларда хизмат маданиятини ошириш борасида ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Булар, шубҳасиз йиллик даромад режасини ўз вақтида адо этиш учун замин ҳозирлади.

Йиғилишда метрочи техника ижодкорлари изланишлари ҳам қутилган натижаларни бераётгани таъкидлаб ўтилди. Ёшлар ўртасида рационализаторлик ва иxtиросчилик ҳаракати кенг йўлга қўйлаётгани айниқса қувонарлидир. Техника ижодкорлари таклифлари туфайли метрополитен 2,3 миллион сўмлик иқтисодий самарага эришди.

**ҚУЛАЙ ВА
ЗАМОНАВИЙ**

Тошкент билан Самарқанд оралигида тезюзар поездлар қатновини йўлга қўйиш мақсадида кенг қўламлик техник тадбирлар кўрилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси янги бунёд этилган пўлат йўллардан юриши лозим бўлган янги электропоездларни харид қилиш бўйича Россиянинг Тверь шаҳридаги вагонсозлик заводи билан шартнома тузди.

Ўзаро қелишувга биноан Янги йил арафасида бундай поезд пойтахтимизга олиб келинди.

Олти вагондан иборат ҳаракат таркибининг биринчи вагони тўлиқ тайёр ҳолда топширилди.

Қолган вагонлар эса вагон таъмирлаш заводида бутланди.

Акбар АЛИЕВ

Ўқилги-энергетика мажмуи иқтисодиётимизнинг асоси ҳисобланади, деди анжуманнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов. Табиий ресурсларга бой Ўзбекистон энергетика мустақиллигига эришди. Бироқ уларнинг захиралари чексиз эмас. Шу боис энергиядан оқилона фойдаланиш, уни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва ўзлаштириш лозим. Бу жараёни амалга ошириш кўпроқ мутахассисларга, уларнинг касбий тайёргарлигига боғлиқ. Уларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш эса таълим тизимининг биринчи галдаги вазифасидир.

Ўзбекистонда ҳар йили қарийб 70 миллион тонна шартли ўқилги сарфланади. Республика энергия манбалари орасида кўмир асосий ўрин тутаяди, аммо умумий энергия ишлаб чиқаришдаги улуши ҳозирча фақат 4 фоизни ташкил қилади. Кўмир қазиб олиш тармоғини ривожлантириш истиқболли йўналишлардан бири саналади. Ҳукуматимизнинг тегишли қарорига мувофиқ 2010 йилга келиб кўмир қазиб олишни 10 миллион тоннага етказишга қарор қилинди. Бу эса кўмининг мамлакат умумий энергия балансидаги улушини 12-15 фоизга етказиш имконини беради. Бу борада қуёш, шамол ва кичик

дарёлар ёрдамида ишлаб чиқариладиган муқобил энергетиканинг ҳам имкониятлари катта.

**ЭНЕРГИЯДАН
ОҚИЛОНА
ФОЙДАЛАНАЙЛИК**

Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган халқаро конференцияда энергия ресурсларини тежайишнинг самарали услуби ва воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш, энергияни тежай давлат дастурининг амалга оширилиши муҳокама этилди.

Анжуман давомида етти та секция йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишларда ўқилги-энергетика мажмуини ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича 80 дан ортиқ маъруза тинланди. Конференция иштирокчилари энергиядан янада тежай-тергаб фойдаланиш имкониятларини муҳокама қилди. Энергияни ишлаб чиқариш, ундан фойдаланиш, бозор шароитида нархни белгилаш ҳамда тарифларни шакллантириш борасидаги муносабатларни тартибга солуви қонунчилиқни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тошкент Давлат техника университети республикамиз ўқилги-энергетика мажмуи учун кадрлар тайёрлашда етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик хайъатининг қарорига кўра, ушбу олий ўқув юрти бу мақсадга йўналтирилган ўқув режаларини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Университет ҳузурида халқаро амалиётга биноан тўртта – тоғ геологияси, ахборот технологиялари, энергетика ва фундаментал фанлар институти ташкил этилди. Яқинда эса бу ерда иқтисослаштирилган факультет базасида нефть ва газ институти очилди. Бу эса таълим сифати ва мазмунини ошириш, ишлаб чиқарувчилар билан самарали ҳамкорлик қилиш, ўқув жараёни давомида замонавий ва истиқболли технологияларни ўзлаштириш имконини беради.

Шунингдек, анжуманда Тошкент Давлат техника университети томонидан чоп этилган «Энергия ва ўқилгини тежай муаммолари» журналнинг биринчи сони тақдими бўлиб ўтди. Унда чоп этилган мақолаларда Ўзбекистонда ўқилги-энергетика мажмуини ислоҳ қилиш тажрибалари, маҳаллий ва хорижий олимлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг бу соҳадаги ютуқлари ёритилган.

А. ИВАНОВА
Ў.А. муҳбири

**Транспорт****«МЕРСЕДЕС-БЕНЦ»ЛАР
ЯНА КЎПАЯДИ**

Янги йилимиз арафасида бу йил барча соҳаларда эришилган ютуқлар сирасига пойтахтимизда қурилган жаҳон андозалари даражасидаги йўллар ҳамда кўприкларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу кенг ва раван йўлларга ярашиб турган янги, қулай жомат транспортлари йўловчиларни беҳад севиштирмоқда. Бу ишга «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси ўзининг муносиб улушини қўйиб келмоқда. Ҳамшаҳарларимизга яхши маълумки, шаҳримиз йўналишларида ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц 0345» русумли замонавий автобуслардан шу йил бошидан буюн 200 таси келтирилиб, аҳоли учун бирмунча қулайликлар яратилди.

Бугунги кунда юртимизда хорижийнинг катор йирик транспорт фирмалари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. «Эво Бус ГмбХ», «Мерседес-Бенц Автобус» немис фирмалари, «Мерседес-Бенц Тюрк АШ» Туркия компанияси билан ҳамкорлик эса айниқса, самарали бўлмоқда. 1994 йилдан бери улар томонидан ишлаб чиқарилаётган, шаҳримизда ҳаракатланаётган транспорт воситалари шинамлиги ва қулайлиги билан мутахассислар томонидан яхши баҳоланмоқда. Юртимизга олиб келинган бу хилдаги автобуслар хизматидан йўловчилар ҳам мамнун.

2002 йилда тузилган шартномага биноан «Мерседес-Бенц Тюрк АШ» компаниясида ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц 0345» русумли автобуслардан 300 тасини харид қилиш режаланди.

Мазкур автобусларнинг 30 таси жорий йилнинг апрель ойида пойтахтга келтирилди. Автобусларни моҳир ҳайдов-

чилар бошқариб, даставвал май ойи бошларида ўтказилган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг йиллик саммити қатнашчиларига хизмат кўрсатишди.

Шу йилнинг август ойида 70 та ва октябрь ойида эса 100 та «Мерседес-Бенц Конекто — 0345» русумли автобуслари олиниб, уларнинг ҳаммаси «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси тасарруфидagi автосаройларга берилди, ҳамда бугунги кунда мазкур 200 та автобуслар шаҳар йўналишларида йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Янги — 2004 йилнинг январь-февраль ойларида автобусларнинг қолган 100 таси келтирилиб, пойтахт йўналишларига чиқарилиб, аҳолига янада намунали транспорт хизмати кўрсатилиши мақсад қилиб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Янги йилни уюшма аҳли янги автобусларда намунали хизмат кўрсатиб кутиб олишмоқда.

Мукаддас УМАРБЕКОВА

**ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ
ДОИМИЙ ҲИМОЯДА**

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатувчи субъектлар истеъмолчига ўз ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этиши шарт. Бундай маълумотлар савдо дўкони ёки хизмат кўрсатувчи бошқа шохобчаларнинг кўзга яққол ташланадиган жойида ёзиб қўйилиши мақсада мувофиқ. Қолаверса, товар ёки хизмат тўғрисида, хусусиятлари ва сифати, нархи, фойдаланиш шарти, қафолат мuddати, шунингдек, товарни ишлаб чиқарувчи, товар хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати ҳамда уни савдога чиқарган корхона тўғрисидаги маълумотлардан ҳам харидорни хабардор этиши лозим.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондираётган бозорларнинг фаолиятини айна шушундай тартиб-қоидалар асосида ташкил этиш мақсадида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. «Отчопар» номи билан машҳур бўлган «Чилонзор буюм бозори»нинг бугунги кўйёқасини олдингиси билан солиштириб бўлмайди. Илгари тартибсиз ва сифатсиз моллар билан тўлиб-тошган бу бозорни бугун бежирим ва замонавий дўконлар беэаб турибди. Эътиборли жиҳати — уларнинг аксарияти мамлакатимизда фаолият юритаётган корхона ва компанияларнинг савдо дўконларидир. Уларнинг пештоқига битилган корхона ҳақидаги маълумотлар, махсуслотлар ҳақидаги ахборотлар ҳамюртларимиз кўнглида гурур туғишсини уйғотади. Махсуслотлари эса сифати ва нисбатан арзонлиги билан диққатингизни тортади.

Таассуфки, истеъмолчига хизмат кўрсатаётган барча савдо дўконларини ҳам талаб даражасида ишляпти, деб бўлмайди.

Мазкур бозорда фаолият юритаётган тадбиркор Ф.Файзиевга қарашли савдо дўконларидан бири

текширилганда, қатор қонун бузилиш ҳолларига йўл қўйлаётгани аниқланди. Мазкур дўкондан газ плитаси сотиб олган Т.Исҳоқов буюмдаги нуқсонни бартараф этиш мақсадида дўконни зўрға топиб келди. Боиси, харидор гавжум бозордаги бу савдо дўконининг на рақами, на номи, на кимга тегишлилигини билмаган. Чунки, дўконда бундай ахборотлар истеъмолчига тақдим этилмаган. Айни пайтда, харидор газ плитасининг зарур эҳтиёт қисмлари йўқлигини айтиб, сотувчидан ёрдам сўраганида, эътирозни эътиборсиз қолди.

У ноилоҳ Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бошқарма томонидан мазкур дўконда ўтказилган текшириш чоғида эса зикр этилган камчиликлар билан бирга, сертификатсиз, махсуслот ҳақида давлат тилида маълумот қайд этилган ёрлиғи бўлмаган товарлар савдога қўйилгани аниқланди. Тадбиркорга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Ў.А.

**ТАДБИРКОРЛАР
УЧУН ҚЎЛЛАНМА**

Миллий матбуот марказида «Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асослари» китобининг тақдимот маросими ўтказилди.

Мазкур китоб Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда ЕХХТнинг Тошкент маркази ҳамкорлигида нашр этилди.

Тақдимотда сўзга чиққанлар ушбу қўлланма тадбиркорларнинг бозор иқтисодиёти шароитида фаолият юритишлари учун ёрдам беришни таъкидлаб ўтшди. Шунингдек, китобда тадбиркорлиқни қўллаб-қувват-

лаш ва ривожлантиришга оид ҳукумат қарорлари, бизнес режа, кредит ва грантлар ҳақида тушунчалар, бозор инфратузилмалари ҳақида янги маълумотлар берилган. Бундан ташқари китобда тадбиркорларга кўмак берувчи ташкилотлар ҳақида маълумотлар олиш мумкин. Қўлланма кичик ва ўрта бизнес вакилларига бепоул тарқатилади.

«Туркистон-пресс»

Саломат

УЙ-МУЗЕЙДА
КЎРГАЗМА

Бастакор Мухтор Ашрафий уй-музейида картиналар кўргазмалари ҳам намойиш қилинмоқда. Яқиндагина ташкил этилган кўргазмалардан эса истёдодли расмолар Татьяна Немцович асарлари ўрин олди.

Бу ижодкорнинг шахсий кўргазмасида Ўзбекистондаги кўзга кўринган қатор расмоларнинг портретлари билан ҳам танишиш мумкин. Кўргазмадаги кўпгина асарлар расмолар ижодий маҳоратидан далолат бериб турибди. Ўзбекистон халқ расмолари Рўзи Чориевга бағишланган полотно ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда.

«Шафоат маскани» деб номланган суратда эса Аҳмад Яссавий мақбараси тасвири ёрқин бўёқларда ўз бадиий ифодасини топади.

РАНГЛИ
БУКЛЕТЛАР

Мамлакатимизда ҳозир ўндан ортиқ йирик музейлар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида маданият, адабиёт ва санъатга оид кўплаб экспонатларни ўз ичига олган мўъжаз музейлар ҳам анчагина.

«Ўзбекистоннинг кичик музейлари» деб номланган тўпلامда улар фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Соҳалар бўйича алоҳида буклет ҳамда чоп этилган бу нашр кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Республикаимиздаги мемориал уй-музейларга бағишланган буклетлар ҳақидаги маълумотлар рус ва инглиз тилларида ёритилади.

Ушбу нашрда ҳар бир уй-музей фаолияти, унинг жойлашиш ўрни тўғрисида апрофлича маълумотлар билан танишиш мумкин.

Ақбар АЛИЕВ

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги академик лицей битирувчи синф ўқувчиси Дилафрўз Ризаева ўзининг иқтидори ва қобилияти билан тенгдошлари орасида ажралиб туради, десак муболаға бўлмас.

— Нима учун айнан инглиз тилига қизиқасиз? — сўраймиз Дилафрўздан.

— Менга ёшлигимдан тили равон деб таъриф беришарди. Бунга акаларим ва опаларим сабабчи. Оиламизда ҳамма инглиз тилида равон сўзлаша олади. Мен зиёлилар оиласидан бўлганим сабаб, бизда шунга шарт-шароит яратилган. Опаларим ва акаларимга келсак, улар чет элларда ўз билимларини ошириш учун ўқиб келишган, инглиз тилини мукаммал билладилар. Мен ҳам уларга жуда ҳавас қилардим. Орзуларим сари интилиб, мана ҳозир ўз мақсадимга етмоқдаман.

— Дарҳақиқат, элимиз «Ҳаракатда-баракат» дейди. Ушбу мақоланинг маъно-мазмунидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, қилаётган меҳнатларингизнинг натижаси қандай?

— Инглиз тилига кучли қизиқишим боис 2002-2003 йилларда АКШнинг Охио шаҳрига боришга муассар бўлдим. 2001 йил хали академик лицейда тахсил олаётганимда АКСЕЛС дастури бўйича имтиҳонлар бошланди. Шунда ўз билимим ва омадимни синаб кўргим келди, албатта. Қу-

вонарлиси, минглаб тенгдошларим орасидан мен катта балл тўпладим. Аввалига бун-

катта сабоқлари тўғрисида бунга эришдим. Охиода бир йил мобайнида тахсил олдим. У ерда инглиз тилини янада мукамалроқ ўргандим.

— У ердаги таълим жараёни ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

— Худди бизнинг мактаблардаги сингари ўқиш, билим олишга талаб кучли. Мактаблар 12 йиллик бўлиб, 3 гуруҳга бўлинади: Кичик, ўрта ва катта синфларда ўқувчилар мутахассисликлари, йўналишлари бўйича тахсил оладилар. Яъни математика, тарих ва инглиз тилидан ташқари фанлар мажбурий эмас.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ҳозирда мамлакатимизда ёшларнинг билим олишлари, қомил инсон даражасидаги малакали кадр бўлишлари учун барча шарт-шароитлар мўжайё. Буни мен ўз ҳаётимдан келиб чиқиб айтаяман.

Ниятим, ёшларимиз ўз иқтидору маҳоратларини намоён этишдан чарчамасинлар, орзу мақсадлари сари интилсинлар. Зеро, билимли инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Келажаги буюк Ўзбекистонимиз тараққиёти учун чуқур билим эгаллашимиз ва ўз иқтидоримиз билан жаҳон узра Ўзбекистон номини баралла янграатишга муносиб ҳисса қўшимиз керак деб ўйлайман.

Юлдуз УСМОН сўхбатлашди
СУРАТДА: Дилафрўз Ризаева АКШдаги сафари чоғида.

Ёшлар — келажагимиз

ТИЛ БИЛГАННИ ЭЛ СЕВАР

Ҳар бир халқ ўз тилини қадрлайди. Шунинг учун ер юзидаги барча халқларнинг тиллари ўзлари учун азиятдир. «Тилга эътибор—элга эътибор», дейди халқимиз. Инсон қанча кўп тил билса ва уни қадрлай олса, ҳеч кам бўлмайди.



дай омадга ишонгим келмасди. Ота-онамнинг берган тарбиялари ва устозларимнинг

ТУРИЗМ — ХИЗМАТ
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ
ЙЎЛИДА

Тошкент Давлат иқтисодий университетидида «Ўзбекистонда сайёҳлик хизматини такомиллаштиришнинг иқтисодий дастаклари» мавзусида анжуман ўтказилди.

— Тадбирнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодиётида туризмнинг ўрни ва аҳамияти, миллий сайёҳлик заҳираларини баҳолаш каби қатор масалалар юзасидан фикр алмашиш эди, — деди Тошкент Давлат иқтисодий университети халқаро туризм факультетининг декани Муҳаммадбек Эрматов. — Яна бир жиҳати, кўрсатилётган хизматлар сифати таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, республикаимизда сайёҳлик соҳасининг имкониятлари ва ривожланиш истиқболларини аниқлаш вазифаси қўйилган эди.

Анжуманда Ўзбекистон фирмалари асосан сайёҳларни хорижий мамлакатларга жўнатиш билан шуғулланиши, чет эллик меҳмонларни кутиб олиш ишлари билан банд корхоналарнинг санокли экани қайд этилди. Хорижий

сайёҳларни кутиб олиш туризмдаги мураккаб йўналишлардан бири экани маълум. Аммо, сайёҳлик маҳсулотини яратиш ва уни ташқи бозорда сотишнинг ташкил этиш юксак маҳорат ва катта меҳнат тажрибасини талаб қилади.

— Яна бир муаммо шундаки, маҳаллий туризм билан шуғулланадиган корхоналар озчиликни ташкил этади. Фуқароларимизнинг мавжуд туристик йўналишлар, тарихий жойлар, табиатимиз гўзаллигидан баҳра олиб ҳордиқ чикаришлари, республикаимизнинг қатор тарихий шаҳарлари ва худудлари хусусида ўз билим доираларини кенгайтиришлари ҳамда унчалик эътибор берилмапти.

Тадбир иштирокчилари туроператор, турагент ёки экскурсия агентлиги ўртасида аниқ бир фарқ йўқлиги хизматлар бозорида

маълум қийинчиликларни юзага келтираётганини таъкидладилар. Ўзбекистондаги аксарият меҳмонхоналар, сайёҳлик мажмуалари асосан чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатишга мослаштирилган. Аммо хизмат кўрсатишда ҳар доим ҳам халқаро андозаларга амал қилинади, деб айтиш қийин. Мавжуд меҳмонхона ва рестороанларда юқори маълум ходимлар етишмайди.

Инсон омили бўйича менежерлар орасида ўтказилган сўров натижаларидан иҳтисослашган ўқув муассасаларида махсус тайёргарликдан ўтган хизмат кўрсатувчи ходимларга бўлган эҳтиёж 98 фоизни ташкил этиши аён бўлди.

— Бўлажак мутахассисларни тайёрлаётганда ўқитишнинг энг илғор усулларидан фойдаланиш лозим, — деди «Туризм сервис» кафедраси мудири Дарья Ли. — Талабалар амалий тажрибаларини орттиришлари учун сайёҳлик корхоналарида кўпроқ ишласин, шунда кўрсатилётган хизматларнинг рақобатбардошлик даражаси ошади.

Лазоқат
МАМАТКУЛОВА

МЕҲР-ОҚИБАТ —
МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Чилонзор туманидаги 138-мактабда Меҳр ва муруват йилига бағишлаб ўтказилган тадбир «Меҳр қолур, оқибат қолур» деб номланди.

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб эътиқоди» давраси, Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг фаол хотин-қизлар билан ишлаш гуруҳи ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг фахрийлар уюшмаси биргаликда ташкил этган ушбу тадбирда ўқувчи ва ўқитувчилар, фахрийлар иштирок этишди.

Тадбир меҳмонлари дастлаб Меҳр ва муруват йилига бағишлаб мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган расмлар кўргазмасини қизиқиб томоша қилдилар. Мактаб директори Охистахон Алимова уларга Янги йилда ўтказилиши режалаштирилган ишлар ҳақида гапириб берди.

Икки авлод учрашувида сўз олган таниқли оlima Муборак Юнусхўжаева, меҳнат фахрийси Хосиятхон Ёқубжоновна, шарқшунос оlima Пахтагул Расулзода, шоирлар Фарид Усмонова, Кавсар Турдиева, Дилбар Носирова ҳамда Ақида Азизовларнинг меҳр-оқибатнинг нақадар муқаддас туйғу эканлиги ҳақидаги ҳикоятларини, янги ижод намуналарини мактаб жамоаси қизиқиш билан тинглади.

Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрнова; оилавий фольклор даста раҳбари Санталат Сиддиқовалар томонидан ижро этилган қўшиқ ва рақслар барчага манзур бўлди.

Муборак
МИРКАМОЛОВА

Саломатлик

ДАВРА СУҲБАТИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июндаги 242-сонли қарорига асосан Сергели туманидаги 104-мактабда «Балогат ёшига етган қизларни маънавий жиҳатдан турмушга тайёрлаш» мавзусида давра суҳбатини ўтказилди.

Унда «Соғлом авлод учун» жамғармаси раҳбари Санобар Абдуллаева, туман ҳудудий тиббиёт бirlашмасига қарашли 37-поликлника шифокорлари, туман «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчехра Усмонова ҳамда мазкур мактабнинг 6, 7, 8, 9, 10-синф ўқувчи қизлари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар оилала тиббий саводхонлигини ошириш, аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, балогат даврининг ўзига

хос муаммолари хусусида тўхталдилар.

Шарқ аёлларига хос бўлган фазилатлар — ибo, ҳаё, нафосат, одоб-ахлоқ тушунчалари онланинг мустаҳкамлигида муҳим аҳамиятга эга. Оила мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлсагина жамият тараққиётга эришади. Давра суҳбати давомида бола-жонлар онгига мана шундай тушунчалар сингдирилди.

(Ўз мухбиримиз)

Тадбиркорларин қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари, иқтисодиётимиз ривожига муҳим улуш қўнишлари учун шарт-шароитлар яратиш бугунги давр талабидир. Шу боисдан ҳам юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди, уларнинг сафи йил сайин кенгайиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот, кўрсатилаётган хизматлар сифати, рақобатбардорлиги ортиб бормоқда. Бу албатта, кўрсатилаётган гамхўрлик, катта эътибор самарасидир.

Қарор ва ижро

АҲАМИЯТИ ЯҚҚОЛ СЕЗИЛМОҚДА

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тўғридан такомиллаштириш бўлишида»ги қарорининг асосий мақсади кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун янада қўлай шароитлар яратиш, расмийлаштиришнинг босқичма-босқич рўйхатдан ўтказиш принципига ўтиш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлашдир. Албатта, қарор ижроси билан ўз аҳамиятини намойиш этади.

— Шу боисдан ҳам пайтахтимизда ушбу муҳим ҳужжатнинг ижросини таъминлаш борасида шу кунга қадар бирмунча ишлар амалга оширилди, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги рўйхатдан ўтказувчи органларга кўмаклашиш маркази бошлиғи Маҳмадмин Эрғашев. — Албатта, ушбу қарорда кўзда тутилган талаблар ижросини таъминлаш бўйича шахримиз ҳудудда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлик субъектларига кенг имконият ва имтиёзлар яратилиб берилмоқда.

Қарорда белгиланган тартибга кўра тадбиркорлик субъектлари фаолиятини расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказишда биринчидан, розилик берувчи ташкилотлар сони кескин қисқартирилиши, иккинчидан, барча келишиб олиш тартиботлари тадбиркорлик субъектларини амалдаги қонун ҳужжатларига риоя қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш фақат битта ташкилот доирасида амалга оширилиши таъминланиб, бу йўналиш «бир йўла» принципи ҳисобланади. «Бир йўла» принципи бундан икки йил муқаддам республика миқёсида ҳамда пойтахт ҳудудидан ҳар бир туманда тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш бўлимлари тузилган ҳолда йўлга қўйилган бўлиб, ушбу ягона механизм ўз қўлайликлари бўйича амалда катта муваффақиятларга эришган.

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган тадбиркорлик субъект-

ларини рўйхатдан ўтказиш бўлимлари негизда ўтган йилнинг 1 октябридан бошлаб шаҳар бўйича 11 та туманда тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ўз иш фаолиятларини бошладилар ва уларнинг асосий вазифаларидан бири бўлган тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан бирга белгиланган тартибга кўра иш фаолиятига тегишли рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Буларга объектларни қуриш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига (газ, энергия, сув, канализация, иссиқлик билан таъминлаш, телефон алоқаси) улашиш техник шартларни ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида расмийлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотураж жой тоифасига ўтказишни расмийлаштириш тартиби ва муддатларини белгиланганди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2003 йил 5 сентябрга 520-сонли қарорига мувофиқ инспекцияларни ташкил қилишда туман ҳокимликларига намунавий низоом ишлаб чиқилишида кўмаклашиш, уларни зарурий воситалар яъни, техник жиҳозлар, меъёрий ҳужжатлар ҳамда рўйхатда олиш учун зарур бўлган жамки анжомлар билан таъминлаш, рўйхатдан ўтказувчи органларга кўмаклашиш маркази зиммасига юклатилган бўлиб, ҳозирга келиб ҳар бир туман инспекцияларида ўрна-тилган замонавий компьютер техникалари ва Интернет уланган тармоқлар ҳамда ҳужжатларнинг тегишли бошқармаларига электрон почта орқали юборилиши, шу билан бирга электрон почта орқали яъни маълумот ва жавоблар қабул қилиниши таъминланган. Рўйхатдан ўтказувчи органларга кўмаклашиш маркази методологик марказ ҳисобланиб, иш юритиш бўйича регламент ишлаб чиқилган ҳамда барча туман инспекцияларига тарқатилган.

Шунингдек, марказ томони-

дан тегишли бошқармалар билан биргаликда туман инспекциялари ходимларининг мутахассисликлари бўйича малакаларини ошириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил қилинди. Барча йўналишлар бўйича олиб борилаётган ишларни муваффақиятли амалга оширишда инспекция ходимларига яратилган шароит ва имкониятлар кўл келмоқда. Бундай шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиш инспекция ходимларининг билими ҳамда маҳоратига бог-лик.

Ташкил этилган туман инспекцияларига мурожаат этаётган ҳар бир акка тартибдаги тадбиркор ва юридик шахсларнинг аризаларини ўз вақтида хал этишга ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятига кўмак беришга ҳозирги кунда барча имкониятлар етарли деб ҳисобласак бўлади. Бундай шарт-шароитлар яратилиши, тадбиркорлик фаолияти учун турар жой биноларини нотураж жой тоифасига ўтказиш марказининг қўлини ҳиссаси муҳим аҳамиятга эга.

2003 йилнинг 29 декабрь ҳолатига кўра йил бошидан шаҳар бўйича туман инспекцияларида 3650 та юридик шахс ва 12900 та якка тартибдаги тадбиркорлар рўйхатдан ўтган ҳамда юри-таётган фаолиятига рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришга жами 379 та ариза қабул қилинган бўлиб, шундан 51 таси янги қурилишга, 180 таси реконструкция қилиш ва қайта ихтиёслаштириш, 148 таси турар жойни нотураж жойлар тоифасига ўтказиш бўйича бўлиб, уларнинг барчаси муддатида ижобий ҳал этилган. Шу билан бирга 314 та тадбиркорлик субъектларига маслаҳатлар берилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, туман инспекцияларининг ўтган қисқа иш фаолияти давомида шунга амин бўлдики, мазкур янги қарор қабул қилинганидан буён тадбиркорларнинг муаммоларини ечишда, уларнинг қимматли вақтларини тежашда, ишга муносабатларини янада яхши-лашда, қўллаб-қувватлашда унинг аҳамияти яққол сезил-моқда.

(Ўз муҳбиримиз)

Билиб қўйсаниз фойдали

ХОДИМЛАРГА МУНОСАБАТ

Сиз хусусий корхона очиб, бир қанча ишчи-хизматчини иш билан таъминладингиз. Ана шу ходимларингиз сизга мурожаат этганда қандай қабул қилиш лозимлигини биласизми? Ходимларни қабул қилиш маданияти билан танишимиз?

Тадбиркор, албатта ўз навбатида раҳбар саналиб, у ходимларни қабул қилиш маданиятига эга бўлиши керак. Негаки, ходимларни чин дилдан эшитиш, уларнинг ташвишларига қўлоқ солиш, оғирини енгил қилиш ҳар бир раҳбарнинг бурчи ва вазифаси ҳисобланади. Шу боисдан ҳам ана шу маданиятга эга бўлиш учун тадбиркор раҳбар қўйидагиларга эътибор бермоғи керак:

— қабуллингизга кирган ходимни қанча вақтингиз берилиши ҳақида огоҳлантириш ва фақат унинг гапларини инobatга олиб, вазиятни кўз олдингизга келтириш;
— тўхтатиб бўлмайдиган, узил-кесил мунозаралардан ўзингизни тийиб, фикрингизни ишончли ва батафсил айтиш, уйлаган гоян-гизни изчиллик билан баён этиш;

— овозингизни баландлатмай, сўзларингизни тушунарли донда-дона ва равоқ қилиб гапиринг;
— қарши танбех холларда ўзингизга нисбатан танқидий ён-доринг;
— шунчаки фикрлашми ёки хахикадан ҳам шунчаки — ана шулар ўртасидаги фарқи ажратиб, саволларни шундай тузинг-ки, уларни тушуниш бир хилда бўлсин;
— муаммонинг муҳокамасини чала қўйиб, аниқ ечимини топиб қўйишга интилинг;
— ишни қалаштириб ташла-май, зудлик билан кўрсатма бе-ринг;
— ёнингизга кирган ходимнинг ҳам умуми ўзи учун ўта муҳим эканини унутманг.

Шунга алоҳида эътибор бериш ўринлики, ёнингизга мурожаат этиб кирган ходимнинг муаммо-сини ечиш имконияти бўлмаган тақдирда ҳам сиз уни самимий, илтифот билан кузатиб, ишнинг ўнгиланиб кетишига умид бахш этишингиз лозим. Учрашув чоғида хушбўй, эшитиш пайтида эътиборли, бахшлашувда кўп нар-сани билишга қизиқувчан, кези келиб танқид қилганда ўзингиз-ни тутта билсангиз айни муддао бўлади. Сўхбат чоғида ишонч муҳитини вужудга келтириш ло-зим, сўхбатдош ходимни мажбур қилиш, унинг шаънини паства уриш мумкин эмас. Ана шунда раҳбар — тадбиркорнинг обрў ва хурмати яна бир поғонага орта-ди.

ТАДБИРКОР

Ана шундай пайтда жойларда фаолият кўрсатаётган қандолатпазлари-мизнинг маҳоратлари жонимизга оро қилиб, мушкулларимизни бир зумда осон қилади. Уларнинг касб маҳорат-ларию тадбиркорлик билан из-ланишлари самараси бўлган турли хил печенье, пишириқлар, торт маҳсулотлари нафақат си-фати, балки чиройли кўриниши билан дастурхонингизни безаб, мазаси эса тотганлар оғзида қолади.

Биз шахримиздаги «Шодлик» қандолат комбинатида Янги йил байрами кунларида ташриф бу-юрганимиз боисми, бу ерда меҳнат қилаётган жамоа ахлини қизгин иш жараёнида учратдик. Уларнинг қўллари қўлларига те-гмас, тайёрланган маҳсулотлар эса корхонанинг фирма дўкони-да харидорларга тортиқ қили-нар, буюртмаларга кўра шахри-миздаги савдо шохобчаларига, кези келганда эса хонадон эга-лари илтимосларига кўра уйла-рига ҳам элтиб бериларди. Кор-хона раҳбари Абдурашид Раҳ-монов билан сўхбатлашар экан-миз, телефон кўнгироғи кетма-кет жиринглаб, ёзилган буюрт-малар сони ҳам ортиб борарди.

— Буларнинг барчасини ба-жаришга улғурасизларми? — қизиқиб сўраймиз у кишидан.

— Албатта, харидорларимиз ишончини қозониш, уларга шод-лик улашиш учун мана шундай иш тигиз пайтларда кечаю кун-дуз меҳнат қилишга одатланган-миз, — дейди Абдурашид ака.

— Лекин буюртмаларимиз қанча кўп, ишимиз нихоятда тигиз бўлсада, ҳаммаша саранжом-са-ришатиликка, озодаликка эъти-бор қаратамиз. Шунингдир бари-бариди ишчиларга меҳнат ва дам олиш, овқатланиш учун шароитларни ҳам му-ҳайё этамиз.

Ҳамшаҳарларимизнинг «Шодлик» маҳсулотларидан баҳраманд бўлаёт-ганига эндиgina бир йил бўлди. Ушбу давр мобайнида унинг сертификат-ланган маҳсулотлари тури 50 хилдан ортди. Аввалига «қум»ли печенье ва «Сказка» торт тайёрлаш билан иш бошлаган 4 нафар қандолатчилар сафи 20 нафардан ошиб, маҳсулот-лар қаторига 10 хил пирожний, 10 хил торт ва 8 хил турк пишириқлари қўшилди. Уларнинг ўзига хос безали-ши, албатта буюртмачи талабидан

ҳам келиб чиқади. Тайёр маҳсулот-ларни дид билан қадоқлаш, қадоқлаш ашёлари кўр-ишига эътибор, ҳар бир қадоқланган ширинликлар ичида

мақсадимизга эришаётганимиздан ва бу йўлда изланиш ҳамда саяб-ҳаракатлардан чарчамаётганимиздан фахрланамиз, албатта. Шаҳримиз-нинг 60 дан зиёд савдо шохоб-чалари билан ҳамкорликда иш юритамиз. Шунингдек, корхо-намизнинг 3 та автомобили ха-ридорларимиз буюртмаларини истаган манзилларига еткази-б беришга шай туради.

Сифатли маҳсулот тайёр-лаш, уларнинг янги хилларини яратиш, харидорларга маъқул қилишда ходимлар малакаси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро ҳамжиҳатлик ва изла-нишда меҳнат қилиб, корхона ривожини таъминлашга инти-лаётган Рустам Ражабов, Ба-ходир Курбонов, Ваҳоб Кари-мов, Қахрамон Раҳмонов, Гул-нора Хошимхўжаева сингари ишчи-хизматчилар ҳар бир маҳсулотнинг сифати ва таъ-мига алоҳида эътибор қарати-шади.

Яна шуни ҳам алоҳида таъ-кидлаш ўринлики, корхона тад-биркорлари ўзлари фаолият олиб бораётган Чўпонота кўча-сидаги 11-уйнинг ён-атрофини ободонлаштиришга, уйнинг юқори қаватларида яшовчи-ларга меҳр-муруват кўрсатиш-га ҳам аҳамият беришади. Ай-ниқса, кириб келган Меҳр ва муруват йилида бу борада ан-чагина ишлар қилиш кўзда ту-тилмоқда. Харидорлар сафи-нинг ортиб бориши ва маҳсу-лотнинг бозоргир турларини яратишга интилиш боис ҳам келгусида корхона цехларини кенгайтириш режаланмоқда.

Келтириладиган янги дастгоҳ-лар ёрдамида эса вакуумли бисквит тайёрлаш, уни чиройли қадоқлаб аҳолига тортиқ этишга саяб-ҳаракат қилинади. Шунингдек, улғуржи сав-дога ўтиш ниятлари ҳам бор. Сира-сини айтганда эса «Шодлик» қан-долатпазлари йилдан йилга ширин-лик турларини кўпайтириб, ички бозор-да ўзининг муносиб ўрнини топиши-ни эзгу ният қилишган.

Дилноза ФИЁСОВА
СУРАТЛАРДА: торт тайёрлаш
цехи бригадари Раёно Исҳоқова
янгиланган яратишни хуш кўради;
цехда ҳаммаша иш қизгин бўлади.
Ҳакимжон Солиҳов
олган суратлар.

Ишлаб чиқарилаётган маҳ-сулотнинг сифати билан бир-га унинг бозор талаблари, ха-ридор дид ва эҳтиёжи асоси-да қадоқланиши, қадоқлаш ашёларининг кўриниши ва бе-жиримлиги эътиборни торти-ши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шу боис бўлса ке-рак, бугунги кунда мамлақати-мизда тайёрланаётган маҳсу-лотлар — озиқ-овқатларнинг қадоқланишига, кийим-кечак-ларнинг эса ўралишига алоҳи-да эътибор қаратилмоқда.

Магбуркорга толе ёр

ХАРИДОР ДИДИГА МОСЛАБ

Бу борада ишлаб чиқарувчилар-га ана шундай қадоқлаш ашёлари-ни тайёрлаб бераётган корхона-ларнинг улушлари каттадир. Пой-тахтимиздаги «Оруз пластик» Ўзе-кистон - Туркия қўшма корхонаси ўзининг илк фаолиятини 5 хилда-ги полиэтилен қадоқлаш ашёлари ишлаб чиқаришдан бошлаган эди. Бунинг учун эса 1998 йилда корхо-нанинг кичкинагина цехи туркия-лик ҳамкорлар томонидан келтирил-ган хорижий линиялар билан жиҳоз-ланиб, ушбу дастгоҳлар 6 нафар ишчи-ходим томонидан бошқари-ларди. Республикаимиздаги ишлаб

чиқариш корхоналари, тадбиркор-лар билан яқин ҳамкорлик эса қўшма корхонада тайёрланаётган маҳсулотга бўлган буюртмаларнинг ортишига, шу билан бирга улар-нинг тақдиф ва мулоҳазаларидан келиб чиқиб қадоқлаш ашёла-ри турлари кўпайишига сабаб бўлди. Албатта, бунинг учун янги линиялар, қўшим-ча ишчи-ходим-ларни жалб этиш зарур эди.

— Биз респу-бликада биринчи-лардан бўлиб по-липропилендан маҳсулот тайёр-лашни йўлга қўйдик, — дейди қўшма корхонанинг ишлаб чи-қариш бўйича директор ўринбосари Абдушуккур Мухамедов. — Ушбу хом ашёдан тайёрланаётган маҳ-сулотимизнинг сифати юқори бўлганлиги ҳамда товарларни ха-ридор дидига мослигини таъмин-лашда алоҳида ўрни борлиги боис ҳам буюртмаларимиз кўпайиб бор-моқда. Ана шу буюртмалар тўғай-ли ҳам мутахассисларимизнинг изланишлари ўз самарасини бе-риб, маҳсулотларимиз тури 50 хилдан ҳам ортиб кетди. Бу биз-нинг юртимизда тайёрланиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўр-нин топаётган маҳсулотлар ха-ри-доргирлигини оширишда қўлга-етган муносиб ҳиссамиздир.

Албатта, маҳсулот сифатини таъминлаш учун замонавий хори-жий линиялардан самарали фой-даланиш зарурлигини бугун давр-лаётган полиэтилен ва полупропи-лен қадоқлаш ашёларининг асосий буюртмачилари саналади. Улар ора-сида «Такома ЛТД» қўшма корхо-наси, «Оруз ош тузи» шўъба корхо-наси, «Офис-маркет» хусусий кор-хонаси, «Шератон Тошкент», «Ин-терконтинентал» меҳмонхоналари ва бошқа қўлпалаб тадбиркорлик би-лан маҳсулот тайёрлаётган, хизмат кўрсатиш сифатини ошираётган жамоалар мавжуд.

Ўтган йилни қўшма корхона ахли ўзига хос меҳнат ютуқлари билан яқунлаб, 65 тоннадан зиёд қадоқлаш ашёларининг сифатли ва рақобатбардош турларини тайёр-лашга эришдилар. Шуниси қувонар-лики, уларнинг маҳсулотлари билан ўралган бир неча турдаги трикотаж товарлари хориж бозорига экспорт қилинди. Бу ҳам, албатта тадбиркорларнинг изланишлари, сифатга қаратаётган юксак эъти-

борларининг яққол намунаси-дир. Яна шуниси эътиборга сазовор-ки, корхонада ишни тўғри йўлга қўйиш, ишчиларни иш билан таъ-минлаш, ички бозорни импорт ўқрини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирш мақсадида доимий изла-нишлар давом этмоқда. Маҳсулот турларини янгиллашга, харидоргир-ларини яратишга эришилмоқда. Фикримизнинг далили сифатида шуни айтиш лозимки, ўтган йили корхонада хориждан келтирилган бутловчи қисмлардан фойдаланиб, 4 турдаги маиший газ плиталари йиғиш йўлга қўйилди. Шу кунга қадар тайёрланган газ плиталари-нинг 120 тадан ортиги истеъмол-чиларга етказиб берилди. Ушбу маиший газ плиталари кўриниши,

хизмат кўрсати-ши, сифати би-лан бемалол чет-ники билан рақо-батлаша олади ҳамда улардан бирмунча арзон-лиги билан аф-залдир.

Юртимизда тадбиркорлик ри-вожига катта аҳамият берил-ган экан, бу ал-батта уларнинг меҳнатлари са-марасида ўз му-жассамини топа-ди. Қўшма кор-хона ахли ҳам имкониятлардан оқилона фойдаланиб, келгусида си-фатга янада эътибор қаратиш, за-монавий технологияларни ўзлаш-тириш, фаолият соҳаларини кенгай-тиришни, кўпроқ буюртмачиларга эга бўлишни мўлжаллашган. Жо-рий йилда газ плиталари қаторига электр плиталари ҳам қўшилди, уларнинг сони ортиси кўзда тутил-ган.

Меҳнатнинг муносиб баҳосини олса унга янада меҳринг ошади, ташаббус кўрсатишга, янгиланган яратишга иштиёқ кўчади. Корхо-на раҳбарларидан бири саналган Абдушуккур Мухамедов ҳам ана шун-дайлар сирасидандир. Корхонанинг ўтган йиллардаги муваффақияти-да унинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Шу боисдан бўлса керак Мустақил-лигимизнинг 12 йиллиги арафаси-да Абдушуккур ака «Шуҳрат» меда-ли билан тақдирланди. Корхона-нинг бундан бугунги ривожига хисса қўйиш, унинг мамлакат иқтисоди-ёти равнақидидаги улушчини таъмин-лаш, янги маҳсулот турларини яра-тиш устида гайрат кўрсатиш — Аб-душуккур Мухамедовни ҳаммаша меҳнат қилишга, изланишга унда-моқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: директор
ўринбосари Абдушуккур Муха-медов ва сифат назоратчиси Саида Ахмедова; замонавий
линиялар маҳсулот сифатини таъминлашда асосий омилдир;
корхонада мана шундай газ
плиталари йиғилмоқда.



Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб
домо бўлавер...

● Қачон, қаерда, қандай ва нимаки қилсак — хоҳ яхшили ва хоҳ ёмонлик ҳаммаси ҳам бир кун ўз мевасини беради.

● Илтижо билан ёрдам сўровчи кишининг ҳимоячиси бўл, бундан яхшироқ яхшили бўлмайди.

● Сен ўз ҳаётингни қанча эҳтиёт қилсанг, бошқа кишининг ҳаётини ҳам шундай эҳтиёт қила билгин. Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга, дейдиларку.

● Дунёда энг яхши иш — ҳолис ва пок ният билан қилинган ишдир.

● Дўстингни хирмонига қуш қўнса ҳайда, ўз хирмонинг ҳам омон бўлади.

● Яхшилиқ қалбда яшайди, ёмонлик ўжар бошдан жой излайди.

● Афлотун Ҳаким Искандарга насиҳат қилиб айтди:

— Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон бори-ча одамларга яхшилиқ қилишга ҳаракат эт. «Ўйинг ўт олгандан кейин қудуқ қазингдан нима фойда».

● Алишер Навоий айтди:

— Яхшилиқ қила олмасанг, бориё ёмонлик ҳам қилма. Яхшилиқни ёмонлигидан яхшироқ билмасанг, бориё ёмонроқ ҳам бўлма, яхшилиқни билмасанг, яхшиларга қўшул, яхшилиқ теграсида эврўла олмасанг, яхшилар теграсида эврўл.

ХИКОЯТ. Анушервон бир кун шикорга чиқиб, саҳрони айланиб юрган экан, ёнғоқ кўчати ўтказиб берган бир чолни кўриб қолибди.

— Хой, мўйсифид, нима қилаяпсан? — деб сўрабди Анушервон.

— Худо подшоҳга узок умр берсин, ёнғоқ экаяпман, — дебди.

— Сен қари одам бўлсанг, бу дарахт қачон воёга етиб, қачон ҳосил беради? — дебди.

— Бошқалар экдилар, биз едик, биз экамиз, бошқалар ейишади, — дебди чол.

Анушервон бу сўзга таҳсин ўқибди ва «Зеҳ» (Офарин) дебди. Агар Анушервонга бирор нарса ёқиб қолса, «Зеҳ» деркан. Шунда ўша одамга юз дирам пул беришаркан, Анушервон чолнинг сўзини эшитиб «Зеҳ» деган экан, унга тўрт юз дирам беришибди.

— Хеч кимнинг дарахти мен эканчалик тез ҳосил бермаган, — дебди чол.

Анушервон яна «Зеҳ» дебди.

Мўйсифидга яна тўрт юз дирам беришибди.

Подшоҳнинг назари тушган учун ҳам бу дарахт бир йилда икки марта ҳосил берди, деса, Анушервон яна «Зеҳ» дебди. Чолга яна юз дирам беришибди.

Байт:

Кимнинг яхши номи
қолса ёдгор,
Арзир бу дунёдан
кетса бахтиёр.

● Уришиб, жанжаллашиб турган икки кишининг қайси бири ақлли бўлса, ўша киши айбдордир.

— Олинг, айланай, олиб ўтиринг, савоби тегади...

— Мана бу хурмодан тотининг, мазали экан...

— Вой, манови мандаринми?

Ҳури хола дастурхондаги ноз-неъматлардан бирин-кетин олиб, секин нимчасининг чўнтақларини тўлдираверди, тўлдираверди...

Уни кузатиб туриб, хижолатга ботдим. Қанд-қурс, майиз-туршакдан тўлган киссаси қаппайган хола секин қўзғалди. Сўнгра уй эгасига юзланди.

— Мавлуда, бирпасдан сўнг келарман.

— Ўтиринг, — қўшнисига юзак бўлса ҳам илтифот кўрсатди Мавлуда. — Борарсиз...

Кўп ўтмай яна останада Ҳури холанинг қораси кўринди. Қирчил-лама ёшида қазо қилган Султонмуроднинг сағирлари ҳаққи-хурмати, дастурхондан базўр тотиниб ўтирибмиз.

Кампир айланиб яна менинг ёнимга чўкди.

— Олинг, вой ҳеч нарса емаб-сиз-ку, айланай, савоби тегади...

Ҳури хола гапира туриб, яна чўнтагини тўлдиришга тушди. Энди ундан ошқора нафратлана бошладим. Бир томондан азали жой бўлса, марҳумнинг хотири-

ни эъозлаб қўйилган ноз-неъматлардан невараларига қандай кўнгли тортиб кўтариб бораркин-а?

Майда-чуйда олиб бормаса келини уйга қўймасмикин?

Мурчи горраҳаларида

МЕНИНГ НАФСИМ
БАЛОДИР ...

Бултур бир тўйда Ҳури холанинг келини ҳам қайнонаси каби иш тутиб, кишининг гашига текканди. Дастурхонга қўйилган лаганларда қолган ошлардан тоғорасига солиб олганди. Бу ҳолат ўтирганларга эриш туюлган, чой кўтариб кириб қолган уй эгаси эса хушламайгина қараб қўйган эди.

Бу ҳам майли-я, ўтирганларнинг баъзилари патнисдаги мева-чева-лардан кетар чоғида чўнтақларига солиб олишди. Ўйлаб қоласан киши, аёлларимизга бу каби қусурлар қаердан ёпишди? Ахир бошига мусибат тушган хонадон ночор дастурхон ёзишга мажбурку! Айниқса, ҳозирги шароитда уч-тўрт кишини кўнгилдагидек кутиб олишининг ўзи бўлмайди.

Аслида меҳмон кутиш, меҳмон-

га боришнинг ҳам ўз қонун-қоидалари, маданияти бўлиши керак. Буни кўпчилик ҳис қила олмайди. Кичкина бир зиёфатда онам бир ривоят ҳикоя қилиб берганди.

Бир кампир борган ҳар эшигидан, ёзилган дастурхондан уйига ниманидир кўтариб келмаса тинчимас экан. Оқибатда у қазо қилган кунни майитни ювишайтганда икки ёнига қоп-қора илон кириб олибди. Югвучилар амаллаб илонни олиб ташлашибди. Уни қабрга қўйишайтганда яна бояги аякчи илон ғойибданми, пайдо бўлибди.

Шунда юрт пешволаридан бири илонларни олиб ташлашга уринганларни тўхтатиб шундай дебди:

— Қўйинг, бу Аллоҳнинг амри, агарки, бировнинг бир луқмасини ҳалоллик билан емасангиз, у албатта мана шундай аякчи ҳолат сингари сизни чоғга тортади. Эҳтиёт бўлинг, эй жамоа! Аҳли аёлларингизга ҳам етказинг, токи улар хатоларини ўз вақтида англаб етсинлар...

Ҳа, дунёда инсон учун ниҳоят да хавfli душман—бу нафс балосидир. Ана шу душманни маълум этган кишигина ҳеч қачон енгилмайди.

Нигора ЖАЛОЛИДДИН қизи.

Маъин

«ЁШ ОЛИМ»НИНГ
ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАРИ

Илмий иқтидорини мактабда намойиш этаётган ўқувчи ёшлар кўп. Тошкентдаги 210-мактабда ҳам бундай умидли толиби илмлар талайгина.

Улар билим ўчоғида ташкил этилган кичик академиянинг аъзолари ҳисобланади. «Ёш олим» деб номланган бу илмий марказда табиий фанларга оид изланишлар олиб борилмоқда. Экология йўналишида амалга оширилган изланиш эса шаҳар олимпиадасида яхши баҳо олди. Бундай ютуғи учун энг иқтидорли толиби илмлардан айримлари Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультети талабаси бўлишди.

«Ёш олим» кичик академияси аъзолари олиб бораётган изланишлар алоҳида илмий тўплам қилиб босмага тайёрланмоқда. Яқинда бундай нашрнинг бешинчиси чоп этилди.

Саъй

МЕТРОЧИ — ФЕСТИВАЛЬ ҒОЛИБИ

Тошкент метрополитени метрочилари орасида ижод билан шуғулланиб келаётган истеъдодлар ҳам бор. Ҳамза метро бекатида эскалатор навбатчиси бўлиб ишлаб келаётган Нурхон Сарсенова эса тасвирий санъат билан шуғулланиб келади.

Кейинги йилларда ёш расом қатор янги манзарали картиналар устида иш олиб борди. Унинг ижодхонасида бўлсангиз Нурхон Сарсенова мўйқаламида нафис сайқал топган талайгина расмларга қўзингиз тушади. Бу ижод намуналаридан бирида гулдонда бир даста анвойи гуллар тасвири акс этган. Бу гузал табиятга ошно қалбнинг ўзига хос рамзий ифодаси янглиғ томошабинда ажиб ҳис-туйғу уйғотади.

«Тонг манзараси» картинаси ҳам расомнинг ижодий камолотидан дарақ бериб турибди. «Сўқмоқ йўллари» расми тўғрисида ҳам шундай ижобий фикрни билдириш мумкин.

Метро навбатчиси бу каби янги картиналари билан «Ўзбекистон—умумий уйимиз» фестивалида катнашди. Тошкент шаҳар Қозоқ миллий-маданий маркази томонидан тақдим этилган бу жозибали расмлари учун Н.Сарсенова байналмилал фестивалида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Истеъдод эгаси республика Қозоқ миллий-маданий маркази фестивалида катнашиш учун янги асарлар яратиш устида ишламоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ
АДАБИЁТИ

Узлуқсиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш йўриқномаси талаблари асосида дастлабки дарсликлар юзга келди. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун махсус ёзилган «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» дарслиги ҳам давлат таълими андозаси асосида ўқувчиларга тақдим этилди.

Мазкур китоб ёрдамида ўқувчилар компьютер графикаси, ахборотлар омбори, электрон жадваллар, компьютерда масалалар ечиш технологиялари каби йўналишдаги билимларни амалиётда қўллаш имконига эга бўладилар. Шуниси диққатга сазоворки, бу дарсликнинг электрон таъқини ҳам юзга келди. У энг яхши электрон ўқув адабиётлари қаторидан ўрин олди.

Аббос АНВАРОВ



ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК

Ҳозирги даврда экология, инсон саломатлиги учун энг хавfli манбалардан бири автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли газлардир.

Улар пуркаган чиқиндилар таркибида ис, азот оксиди, карбонат ангидридлар билан бир қаторда кўрғошин ҳам бор. Атмосферанинг бу тахлит заҳарланишида автотранспорт воситаларининг заҳарли газлардан зарарсизлантирувчи махсус мосламалар билан таъминланмаганлиги сабаб бўлмоқда. Ҳавонинг ифлосланиши автоуловларнинг сони, уларнинг ҳаракат тезлиги, кўчаларнинг катта-кичиклиги, чиқадиган газларнинг таркиби, миқдори ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқдир. Улардан сақла-ниш учун йўлларнинг соз бўлишини таъ-

минлаш, кўча четларига дарахтлар ўтказиш, чорраҳаларда тартиб ўрнатиш, бу чиқиндининг ҳавога тушишини аниқлаш лозим. Ис гази давлат томонидан тасдиқланган меъёрдан ошиб кетса, автоулов созланмагунча уни ишлатиш манъ этилиши шарт.

Албатта, бу муҳим масалага лоқайд муносабатда бўлаётган кимсаларга нисбатан жазо чоралари кўри-лиши ёки жарималар солиниши лозим. Автокорхоналар, улардаги транспорт воситалари синчилаб текширувдан ўткази-лиши, аниқланган камчиликларни бар-таф этиш юзаси-дан чоралар белгила-ниши, уларнинг амалга оширилиши устидан қатъий назо-рат олиб бориш мақ-садга мувофиқ бўла-ди.

Фарангиз
КОДИРОВА,
Дилоро СОЛИЕВА

Аққойиботлар**МАНА СИЗГА
ЧЕТ ЭЛ**

Канадаликлар жудаям билимдон халқ деб ўйлайсизми? Ҳа, билимдон, лекин ҳаммаси эмас. Масалан, Ернинг қуёш атрофида айланишини бизга мактаб партасига келиб ўтирганимиздаёқ айтишган. Канадаликларнинг 25 фоизи бунни билишмас экан. 42 фоизи эса динозаврлар ва ибтидий одамлар бир даврда яшаган деб ҳисобларкан.

**САККИЗ ДАРРА
УРИЛСИН!**

Мабодо Сингапурга йўлингиз тушиб қолса сизгача қолдигини зинҳор-базинҳор ерга ташлай кўрманг. Акс ҳолда ... АҚШлик Карл Даррин деган аёлининг айтишича — Сингапурга келин бўлиб тушганининг дастлабки кунларидан бирида йўлда кетаётди чекиб бўлган сигаретани ерга ташлагани учун қамоққа олинган. Уч кундан сўнг ҳукм ўқилган: «Орқасига саккиз калтак урилсин ва уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилинсин». Дарахтнинг сувга ташлаб қўйилган калтаги билан полициячи Даррин хонимнинг орқасига бор кучи билан олти марта урғач, у ҳушидан кетган. Оғриқни ҳис қилиши учун АҚШлик келинни ҳушига келтириб яна икки калтак урган. Орадан 7 йил ўтган бўлсада, дахшатли оғриқ ва оёқларидан оқиб тушаётган қон Карл Дарриннинг кўз ўнгидан кетмайди. Хуллас, Сингапурга йўлингиз тушиб қолса...

**ЖОНИГА
ОРО КИРДИ**

Яқинда Бразилия чангалзорларини суратга олиш учун борган америкалик 10 та тележурналистни Уанака деган одам хўрлар қабилиси асирга олди. Қабила бошлиғи: «Биз ҳар тун журуларни деган мусиқа асбобида куй чаламиз, лекин бу асбобни аёллар кўриши тақиқланади» деб огоҳлантирган. Аммо 27 ёшли Кендро ва 26 ёшли Кони деган оператор қизлар созандани яширинча суратга олаётганда қўлга тушиб қолишган. Дарғазаб бўлган «меzbонлар» иккала қизни ҳам ҳамкасблари кўз ўнгидан пишириб ейишди. Эрталаб яна икки кишини нонуштага тайёрлашганда ҳарбийлар ёрдамга келиб, журналистлар жонига оро киришган.

Аммо айрим шахслар ушбу қарор ва фармойишлар моҳиятини англаб етмай ёки била туриб ўзларининг манфаатларини кўзлаган ҳолда турли хилдаги қонунбузарликларга йўл қўймоқдалар. Натижада, ана шундай «учар»лар томонидан республикаимиз бозорларида келтирилаётган товар-моддий бойликлар истеъмолчиларнинг талабларига мутлақо жавоб бермайдиган маҳсулотлар бўлиб чиқмоқда. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, мавжуд тартиб-қоидаларга риоя этмасликни ўзларича маъқул деб толган ушбу кимсалар осонликча мўмай даромад орттирмоқчиликда ҳеч нарсадан тап тортмаяптилар. Лекин қонундан қочиб қаёққа ҳам бориш мумкин. Қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мисолларда худди шундай қалтис йўллар орқали ниятимизга етишимиз мумкин, дея, хом хайллар оғушига шўнган «тадбиркорлар»нинг ҳаракатлари ҳақида хикоя қилинади.

Яқинда соат тахминан 7-00

ларда шахримизнинг Акмал Икромов тумани ҳудудидан ўтувчи айланма Халқа йўлининг «Карвон» бозори йўналишида, Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг Коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши кураш бўлими ходимлари, катта тезкор вакил, милиция майори Собитжон Абдураҳмонов, милиция катта лейтенантлари Жамшид Толибжонов ва Равшанжон Ниёзалиевлар томонидан ўтказилган тадбир вақтида Тошкент вилояти, Тошкент туманида истиқомат қилувчи Х.Шавкат бошқарувида бўлган «ВАЗ 2101» русумли енгил автомашина текшириш учун тўхтатилганда, унинг ҳайдовчиси ички ишлар ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмай, воқеа жойидан қочиш кетишга ҳаракат қилган. У имкон қадар оқсоқиллик посбонларидан қочиш қутулиш мақсадида, машинасининг тезлигини ошириб, ИИББ йўл-патруль хизмати бригадасига қарашли «Матиз» автомашинасига техник шикаст етказиб, тўхтамасдан айланма йўл орқали шаҳар ҳудудига кириб яширинмоқчи бўлган.

Аммо «бузқоннинг юргани сомонхонагача» деганларидек, қўрилган чора-тадбирлар натижасида, фуқаро Х.Шавкат бошқарувидаги мазкур «ВАЗ 2101» русумли енгил автомашина орадан ярим соатча вақт ўтар-ўтмасданок, Миробод тумани ҳудудига жойлашган Тошкент Автомобиль йўллари институти олдида ушланди.

Аммо Х.Шавкат милиция ходимларига қаршилик кўрсатиб, воқеа жойидан қочиш кетишга муваффақ бўлди. У билан бирга машинада ўтирган таниши, Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи И.Умаржон қўлга олиниб, содир этилган ҳодиса юзасидан батафсил тушунириш берди. Ушбу автомашина кўздан кечирилганда, унинг юқонасидан Эрон давлатида ишлаб чиқарилган 99 дона нархи 99.000 сўм қийматидаги «Какао МИС» ва қиймати 25.000 сўмда баҳоланувчи вермишельлар топилди. Бундан ташқари, автомашинага тегишли бўлмаган 1 дона «11

С 3405» автомобиль давлат белгиси ҳамда ҳисоб дафтари борлиги аниқланиб, далилий ашё сифатида олинди.

Шу жараёнда, юқоридагилар билан бир қаторда, текшириш ўтказилаётган жойда

Хикоя**ҚОНУНБУЗАРЛАР
ЖАЗОЛАРИНИ
ОЛАДИЛАР**

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг 6 май кунда 154-сонли қарори эълон қилинган эди. Шунга асосан, Тошкент шаҳар ИИББ бошлигининг 2002 йил 27 июнда «Жисмоний шахслар томонидан келтирилган маҳсулотларни тартибга солиш ва бозорларда ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда назорат ўрнатиш тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинган эди.

ҳаракатланиб келаётган, кейинчалик маълум бўлишича, Тошкент вилояти, Тошкент туманида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Н.Фазилиддинга тегишли «ГАЗ 3102» русумли енгил автомашинага ҳам тўхташ ишораси берилганда, ҳайдовчи ИПХ ходимининг қонуний талабига бўйсунмасдан автоуловини тўппа-тўғри унинг устига ҳайдаб, оғир тан жароҳати етказиш ҳавфига юзага келтирган. У йўл ҳаракати қоидаларини қўпол тарзда бузиб, бошқа автомобилларнинг тўғри ҳаракатланишларига ҳалал бериб, йўл-транспорт ҳалокати келиб чиқиш ҳолатини содир этиб, жавобгарликдан қочиш, текшириш жойидан яширинди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида, ушбу «чакқон» ҳайдовчининг ҳам йўлига тузоқ солинди. Мазкур автомобилда Н.Фазилиддинга ҳамроҳлик қилиб келаётган Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи, бирор жойда ишламайдиган Х.Шокир ҳамда Тошкент вилояти, Тошкент туманида истиқомат қилувчи, нафақахўр Х.Эргашлар ҳам қўлга олинди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши кураш бўлими ходимларининг сайёҳ-ҳаракатлари туфайли яна бир қонунбузарлик ҳолати аниқланди.

Юнусобод тумани, 8-мавзеда жойлашган 29-уй, 75-хонадонда ўтказилган тадбир жараёнида, Тошкент вилоятининг Тошкент туманида истиқомат қилувчи, бирор жойда ишламайдиган У.Анвар ва Тошкент туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А.Маъруфлар ўзларига тегишли бўлган 700.000 қозоқ тангасини Юнусобод тумани, 8-мавзеда жойлашган 5-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Арифжоновга 4.900.000 сўмга сотаётган вақтда далилий ашёлар билан ушландилар.

Ўтказилаётган тадбир давомида маълум бўлишича, Юнусобод тумани, 8-мавзе, 29-уйнинг 75-хонадонига кириш йўлаги ол-

дида тўхтаб турган «Нексия» русумли енгил автомашина ҳам кўздан кечирилганда, унинг ичида ўтирган Тошкент вилоятининг Тошкент туманида истиқомат қилувчи, бирор жойда ҳалол меҳнат билан шуғullanмайдиган А.Баҳром ва унинг шериги, Тошкент вилоятининг Тошкент туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган А.Русланлар таниши, У.Анварнинг тоғасининг хонадонига бир нотаниш аёл қозоқ тангасини айирбошлашга олиб келганлигини ва унинг қайтиб чиқишини кутиб турганликларини айтишди.

Шундай қилиб, У.Анвар ва А.Маъруфлардан 700.000 қозоқ тангасини сотишдан олинган 4.900.000 сўм пул ва Н.Арифжоновадан 4.900.000 сўмга сотиб олинган 700.000 қозоқ тангаси мазкур масала қонуний ўз ечимини топунига қадар баённома тузилиб, далилий ашё сифатида олинган.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ИИББ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармасининг коррупция, товламачилик ва рэкетга қарши кураш бўлими катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Иброҳимжон Ҳасимов томонидан ҳам валюта алмаштириш қонун-қоидаларини қўпол равишда бузган бир гуруҳ шахсларнинг фаолиятига чек қўйилди. Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 90-уйда ўтказилган тадбир жараёнида, Сергели тумани, Қўйлиқ-5 мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Ш.Зойир, мазкур манзилда истиқомат қилувчи Т.Зиёд ҳамда Фаргона вилояти, Учқўприк туманида истиқомат қилувчи, бирор жойда ишламайдиган У.Вохиджон исмли шахслар ўзларига тегишли бўлган 8000 АҚШ долларини Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида яшовчи К.Гулнора исмли фуқарога 8.080.000 сўмга сотган вақтда далилий ашёлар билан қўлга олинди.

Ҳозирги вақтда юқорида қайд этиб ўтилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармасида суриштирув ишлари давом этмоқда.

Албатта қонунбузарлар қилмишларига яраша муносиб жазоларини оладилар. Лекин шу ўринда кишини чуқур ўйга солиб қўйдиган бошқа нарсалар ҳам бор. Айбдор деб топилган ушбу шахсларнинг билиб-билмай содир этган ноҳужа ҳаракатлари туфайли эл-юрт олдида юзлар шувит бўлиб қолди. Ахир ҳаёлий орзулар оғушида маст бўлиб, қонунларимизга зид ҳолда фаолият юритишнинг охир оқибати барибир яхшилик олиб келмаслигини нахотки улар ўйлаб кўрмайдилар. Халқимиз орасида «Қингир ишининг қийғи қирқ йилда ҳам ошқор бўлади», деган пурмаёно мақол бежизга айтилмаганку.

**Самариддин ХАЛИЛОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази инспектори**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪОНЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси қуйидаги бўш ўринларга танлов эълон қилади:

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи;
кадрлар ва малакани ошириш бошқармаси бошлиғи;

бухгалтерия ҳисоби бўлими бошлиғи.

Танловда иштирок этувчилар учун шартлар:

Иқтисод, молия ёки ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича олий маълумот;
ишлаб чиқариш ёки бошқарув органлари соҳасида камида уч йиллик меҳнат тажрибасига эга бўлиш;
Тошкент шаҳрида доимий рўйхати бўлиши керак.
Танлов иштирокчилари топширадиган ҳужжатлар: Резюме, паспорт, ҳарбий гувоҳнома, маълумоти тўғрисидаги диплом, меҳнат дафтарчаси.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 55-уй.

Телефон: 139-20-40, 139-20-45.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз:

Матбуотқилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

Спорт

ЁШ ТУРОНЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Тошкент агротехжорат коллежи спорт мажмуида турон яккакураши мусобақалари бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган мусобақаларнинг биринчи кунги ёш турончилар ўзларининг кўргазмалли чиқишлари, турли хилдаги салтолари, миллий яккакурашимизга хос ранг-баранг ўйинлари билан йиғилганларни хурсанд қилишди. Саралаш баҳсларида эса Самарқанд, Жиззах, Наманган, Фарғона, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ва пойтахтлик 100 нафарга яқин ўғил-қизлар беллашди. Қизлар баҳсида 14-15 ёшли спортчилар орасида ўз вазилири тоифасида биринчи ўринга Тошкент вилояти вакили Махфуза Абдуллаева, Шаҳноза Йулдошевлар кўтарилишди. Ўғил болалар ўртасидаги мусобақаларда эса турли вазилири тоифасида Хайрулла Нуриддинов, Абдулазиз Жалилов, Рустам Умаров, Равшан Алматовларга тенг келадиган рақиб топилмади. Умумжамоа ҳисобида эса пойтахт вилояти турончилари биринчи, Тошкент шаҳри вакиллари иккинчи ўринларни эгаллашган бўлса, наманганликларга учинчи ўрин насиб этди.

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуида талаба ёшлар ўртасида ўзбек кураши бўйича ташкиллаштирилган турнир профессор Эшон Одилхўжаев хотирасига бағишланди.

Унда Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда шаҳримиздаги олий ўқув юрталари, лицей, коллежлар талабалари ўзаро беллашди. Олти вази тоифасида 200 нафар ёш полвонлар иштирокида ўтказилган турнирда Баҳриддин Исмолов, Олим Равшанов, Ғолиб Тўраев, Бахтиёр Менглиқулов, Ботир Норқобилов, Шухрат Соатовларга ғолиблик насиб этди. Дарвоқе, Баҳриддин Исмолов, Олим Равшанов ва Ғолиб Тўраевларнинг Ўзбекистон жисмоний тарбия институти талабаси эканликларини ҳисобга олсак, мазкур илм масканида ўзбек кураши сирлари талабаларга пухта ўргатилаётганлиги аён бўлади. Мусобақанинг мутлақ вази тоифасида омад Ўзбекистон Миллий университети талабаси Абдулжаббор Абдуллаевага кулиб боқди. Турнир якунида ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

Спортимиз юлдузлари

МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ — МЕҲНАТДА

Спортда қўл ва оёқ чапдастлигини ўзида мужассамлаштирган шундай бир «жанг» тури борки, уни танлаган ҳар қандай спортчи албатта оёқ ва қўллар ҳаракатини уйғунлаштира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Кўпчиликка маълумки, спортнинг ушбу тури кикбоксингдир. Унинг қисқача тарихига назар соладиган бўлсак, 1972 йил АҚШда каратэчилар бокс рингига жанг қўлқоплари билан чиқдилар ва шу тариқа улар кикбоксингнинг пайдо бўлишига замин яратдилар.

1970 йилнинг ўрталарига келиб, ушбу спорт тури Европа ва Осиё давлатларига тарқала бошлади ва ривожланди. KICK, WAKO, KKA, IAKKA, WORLD PROF1 каби 5 асосий йўналишлардан ташкил топган кикбоксинг 1990-йиллар бошида Ўзбекистонга ҳам кириб келди.

Спортга болалигидан қизиққан ўсмирнинг албатта келажаги порлоқ, орзулари улкан бўлади. Ёшлигидан кикбоксинг спорт тури билан шуғулланиб келган Шавкат Ўроқов бу машаққатли йўлда ҳеч нарсадан тоймайди, қийинчиликларни енгитишга интилади, устозлари кўрсатмаларига амал қилади. Кўринишидан ўта вазмин, мақсадлари сари олға интилувчи Шавкат ўз устида тинимсиз шуғулланиши, изланиши боис 23 ёшида Осиё

чемпиони бўлди. 1998 йил Польшада бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 3-ўринни, шунингдек, Грецияда ўтказилган кейинги жаҳон чемпионатида эса мунтазам равишда 2-ўринни эгаллади.

— Кикбоксинг мени ёшлигимдан қизиқтириб қолган. Болалигимда кикбоксинг «жанглари»ни томоша қилиб, унда 2 та спорт турининг бир вақтда қўлланишига махлиб бўлиб қолардим. Ҳам бокс, ҳам каратэ элементлари кирган аjoyиб «жанг» намоиши барчанинг эътиборини қозона олади деб ўйлайман, — дейди биз билан суҳбатда Шавкат Ўроқов.

Шуни таъкидлаш керакки, бу спорт тури икки баробар меҳнат ва чиникиш-



ни талаб этади. Аммо қанча кўп ҳаракат қилсанг, натижаси ҳам шунчалик яхши бўлади. Якунига етган йил мен учун нихоятда муваффақиятли бўлди. Жумладан, 2003 йил Францияда ўтказилган жаҳон чемпионатида 2-ўринни қўлга киритдим. Янги йилда ниятим Грецияда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларида ғолиб бўлишдир. Янги 2004 йил барча юртимиз спортчиларига ҳамда юртдошларимга омад ва бахт олиб келишини тилайман.

Садриддин АЗИЗОВ
СУРАТДА: Шавкат Ўроқовнинг навбатдаги галабаси.

Сирли мўъжиза

ШАХМАТ САНЪАТИ ҲАҚИДА

Шахмат санъати катта маънавий кучга эгадир. У сеҳрли мўъжизаси билан сизни қамраб олади. Доналарни суриб ўйнаётганингизда худди рассомдек, шоир ва бастакордек, олимлардек, соҳнададек ўзининг бутун кучини ижод қилишга йўналтиради.

Унинг эстетик таъсир кучи реал нарсани тасвирлайди, инсон тафаккурининг ижодий-маънавий томонларини кўрсатиб беради. Худди тасвирли санъатдек, шахмат ўйини ҳам ўз ғоялари, гўзаллигини муҳлисига кўрсатиб беради. Шу билан бир қаторда шахмат таҳлили ҳам санъат ҳисобланади. Худди шахмат композициясидаги каби, таҳлил — мушоҳада ҳам ёлғизликда ижод қилинади, у вақт билан чекланмайди, уни спортдагидек натижа қизиқтирмайди. Шуниси эътиборга молики, айна чўқур ўйлаб топилган янги йўналиш кейинчалик ўйин пайтида шиддатли ҳужумни келтириб чиқариши, томошабин ва ҳакамни беихтиёр ҳаяжонга солиши, қарсак чалишга мажбур этиши мумкин.

Шахматнинг гўзаллиги — унинг жозибдор, эътиборни жалб этувчи кучидадир. Айниқса дунёга машҳур бўлиб кетган икки буюк шахматчининг ўйинини кўриб турасан, ёки таҳлил қилсан, уларнинг сирли, мўъжизали юриш қилганларини кўриб, «ё тавба», деб ёқамизни ушлаймиз ёки «Аҳл бовар қилмайди аммо...» деб қўйиш одат тусига кириб қолганини яхши била-

миз. Чех гроссмейстери ва назариётчиси Р.Рети 1924 йили чун эътиборини «Шахмат ўйинидаги янги ғоялар» номи китобида қўйиладиган ёзган эди: «Бундан 100 йил олдин шахмат ҳеч шубҳасиз фақат ўйиндан иборат эди, аммо биз энди ангидан тўғилган ва ривожланаётган санъатга эгамиз».

Фалсафа ва математика фанлари доктори, шахмат бўйича жаҳон чемпиони 27 йил мобайнида шахмат тошини ушлаб турган Эммануэл Ласкер бундай деган эди: «Шахмат ўйинида асосий нарсаси кураш. Яна энг муҳими шундаки, шахмат ўйини мунтазам шуғулланишни тақозо этадиган машғулоти. У ўз ишини танқидий назарда қараш ва баҳолашда ҳолис бўлишга ўргатади». Шахматчи бир жиҳатдан шифокорга ўхшаб кетади. У хасталик белгилари ва дори-дармонлар хазинасини билади. Лекин энг мушкул жойи шундаки, ана шу аломатлар сезилмайди, дори-дармон эса ёрдам бермайди. Сен нимаики билганинг, нимаики қилишга қодирлигиндан фойда йўқ, ҳал қилувчи лаҳзада асқотмайди, сеннинг ягона бир мартагина йўл қўйган юришинг ёмон оқибатлар-

га олиб келади. Кейин ўзининг қийиб, нега бошқача юриш қилмадим, деб ҳасрат қилишга тушиб қоласан. Уста ўйинчининг сеҳрарлиги иш бермайди. Натижада яна оғир ва кўп меҳнат талаб этадиган изланишларга бериласан, янги дори-дармонларни излашга тушасан, ишонч билан кутасан, кўп нарсадан умид қиласан. Лекин тагин янглишасан — яна ҳаммасини қайтадан бошлайсан. Бу муваффақиятнинг тасодифан рўй берадиган хатога боғлиқлигидир. У шифокорнинг эҳтиётсизлиги ёки паритшонхотирлиги оқибатида содир бўладиган қайғули ҳолатга ўхшайди. Шахмат ўйинининг аjoyиб хусусиятларидан бири шундаки, сен аввало ўз майлиг билан ўйнайсан, айна чоғда ўзгага, унинг билим ва тажрибасига, қанчалар қушёрлигига, курашга қай даражада шайланганига, нихоят, омад келиши ёки келмаслигига боғлиқсан. Шахмат назарисини амалийоти бугунги кунда минглаб уста ўйинчиларнинг ўзаро рақобат қилиши натижасида тобора ривожланиб бормоқда». Машҳур олим, академик Н.Ишлинскийдан:

«Шахмат, унинг сир-асрорини билиш учун шунчалик куч-ғайрат сарфлашга арзийдими ўзи? — деб сўраганлариди, у «Арзийди, — дейди, — чунки шахмат инсонга у сарфлаганидан кўра кўпроқ наф беради» деб жавоб берган.

Машҳур ўқитувчи В.Сухомлинский бўлса: «Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бир бўлаги сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор», — деб ёзган эди. Шахмат бахтли санъат ҳамдир. У гувоҳларнинг хаёли ва онгидигина қолиб кетмайди, усталар ўйнаган энг яхши партиялар умрбод тарихда қолади. Улар ҳаёт сахнасида кетганларидан кейин ҳам томошабин ва муҳлислар хотирасидан чиқмайди.

Дунёга машҳур немис гроссмейстери, шифокор-доктор Зигберт Таррашнинг шахмат ҳақида айтган фикрини ҳам эслаб ўтсак.

«Шахмат худди севги сингари, мусикадай кишиларни бахтли қила олади».

Анвар ИНОКОВ,
шахмат бўйича спорт
усталигига номзод.


ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ БОКСЧИСИ

Ўзбекистон Бокс федерацияси ўтган йилнинг қаҳрамонларини маълум қилди.

Бокс бўйича терма жамоа аъзолари ўтган йилда кўпгина халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини химоя қилишди. Ўтган мавсумда ўтказилган Африкасиё, Марказий Осиё ва ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларида спортчиларимиз муваффақиятли қатнашди. Айнан шу учта мусобақада боксчиларимиз терма жамоамизга 26 та медални тақдим этишди.

Дилшод Маҳмудовнинг ҳарбийлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида энг яхши боксчи деб топилгани мамлакатимизда кучли бокс мактаби шаклланишини исботлади. Йиғилишда мавсумнинг энг яхши боксчиси ҳамда мураббийси йўналишлари бўйича ғолиблар номи маълум қилинди. Унга кўра Шерзод Хусанов 2003 йилнинг энг яхши боксчиси деб топилди.

«Туркистон-пресс»



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Икки юришда мот.
2. Икки юришда мот.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъриф офсет усулида
босилади.
5576 нускада босилади. Қўғоқ бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масаллари бўйича турар жойлардаги
почта бўлимининг ёки «Тошкент почтатини» — 133-7405
телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.